

✓ studentlerdin hár bir pándegi bilim jetiskenliklerin bahalawda reyting sistemasinan paydalanıw;
✓ oqıw procesin barlıq zárúrli oqıw hám metodikalıq materialların elektron hám qağaz variantları menen támiyinlew.

Demek, modulli-kredit sisteması arqalı student óziniń qanday jetiskenlikke eriskenin, qay jerde kemshilik jiber-genligin, neni bilip, neni úyreniw kerekligin anıladı.

Ádebiyatlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kon-septsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil 8 oktyabr kungi PF-5847-sonli farmoni.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Xalq bilan muloqot inson manfaatları yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturini órganish bo'yicha Ilmiy uslubiy risola. –Toshkent: 2017.
3. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: School Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Uni-versiy Press, USA 2012.
4. Prenov B.B. va boshqalar. Oliy ta'lim tizimida ta'lim sifatini ta'munlash: E-learning. –T.: 2017, 103-b.
5. Carroll, G. & Boutall, T. (2011). Guide to developing national occupational standards: Revised June 2011. Retrieved 2018, from UK Commission for Employment and Skills: <http://webarchive.nationalarchives.gov.uk/20140108130816/http://www.ukces.org.uk/assets/ukces/docs/supporting-docs/nos/nos-guide-for-20developers-2011.pdf>
6. Aksenova N. M. Golubeva T. A., Muravyov A. A., Oleinikova O. N., Sartakova E. V. Credits in secondary vocational education / N. M. Aksenova, T. A. Golubeva and others – M.: Universitetskaya kni-ga, 2016, -P. 156.

РЕЗЮМЕ

Bu maqolada o'qitishning modulli-kredit tizimi va uning hozirgi zamon ta'lim jarayonidagi ayrim afzalliklariga to'xtalangan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается модульно-кредитная система обучения и преимущества её применения в современном образовании.

SUMMARY

The article is devoted to the description of the modular credit system of teaching and its advantages in modern education.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИММАНЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

В.Рахимов – *катта ўқитувчи*

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, болалар, жисмоний тарбия, жисмоний машқлар, морфофункционал, психофизиологик хусусиятлар, қизиқиш югуриш, адаптация, имманент, чиниктириш.

Ключевые слова: дошкольное образование, дети, физическое воспитание, физические упражнения, морфофункциональные, психофизиологические особенности, интересы, бег, адаптация, имманентный, закаливание.

Key words: preschool education, children, physical education, physical exercises, morphofunctional, psychophysiological features, interests, running, adaptation, immanent, hardening.

Ўзбекистондаги мактабгача таълим тизимига болалар ясли, болалар боғчалари, хусусий ва хонадон боғчалари киради. 1991 йили Республикамизда 10134 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритган, 2016 йилга келиб улардан 4916-таси (48,5%) қолган. Уларда болаларни қамраш 1378039 тадан 668497 нафарга тушиб қолган. Мазкур салбий ҳолни тўғрилаш, давр талабига мос келадиган ҳолга келтириш учун Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мактабгача таълим тизимининг фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида Халқ таълими Вазирлиги ташкил этилди ва “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилинди.

2018 йилга келиб мактабгача таълим муассасалари сони 7104 га яъни кейинги икки йилда бир ярим баробар кўпайди, 2019 йил августига келиб, болалар сони эса тўрт қаррага ошди [1].

Юқоридаги концепцияда нафақат мактабгача таълим муассасаларининг сонини кўпайтириш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва тарбияланувчилар сонини ошириш, шу билан бирга болаларни жисмоний соғлом, бақувват, физкультура ва спортни севадиган, улар билан мунтазам, узлуксиз шуғулланадиган шахслар қилиб тарбиялаш ҳам вазифа қилиб қўйилди.

Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг имманент хусусиятлари аввало ясли ва боғча қатновчи болаларнинг морфофункционал ва психофизиологик тузилиши, жиҳатлари билан белгиланади. Мактабгача ёшдаги болаларда шаклландиган билим, кўникма, тасаввур ва

Сондай-ақ, ўзгенин jetiskenliginen sabaq alıwğa, óziniń kemshiliklerin saplastırıwğa, alğa umtılıwına túrtki boladı. Juwmaqlap aytqanda, bilimlendiriwdiń modulli-kredit sisteması barlıq bilimlendiriw procesi dawamında oqılğan saatlar muğdamın emes, bálkim erisilgen nátiyjeni kórsetip beriwshi ólsheń birliğı esaplanıwı menen de bilimlendiriw nátiyjeligin asırıwda zárúr áhmiyetke iye bolıp esaplanadı.

ўзини англаш қатор морфофункционал ва психофизио-логик жиҳатларга асосланади.

Морфофункционал асосларга болаларнинг сиртки кўриниши ва унга жисмоний машқларнинг таъсири кўрсаткичлари, психофизиологик асосларга эса болаларнинг жисмоний машқларга муносабати, жисмоний тарбиянинг рухий-физиологик ҳолатга у ёки бу тана қисмининг жисмоний юк таъсирига мувофиқ ўзгариши қабилар киради.

Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний машқларга муносабатни шакллантириш билан махсус оила институти ва мактабгача таълим тизими шуғулланади. Бу ўринда биз диққатимизни мактабгача таълим тизимига, ундаги жисмоний тарбияни ташкил этиш методикасига қаратамиз. Давлат томонидан қабул қилинган “таълим ҳақида қонун”, мактабгача таълим тўғрисида низом ва давлат талаблари айнан мактабгача таълим муассасалари фаолиятига, уларда ташкил этиладиган жисмоний тарбия ишларига эътибор қаратади [2,3,4]. Давлат томонидан ташкил этилган ва молиялаштириладиган мазкур тизим мактабгача ёшда бўлган болаларнинг жисмоний камолоти учун маъсулдир.

3-6-7 мактабгача таълим тизими жалб этадиган болаларнинг ёши ҳисобланади. Бу ёшдаги болаларнинг морфофункционал ва психофизиологик тузилиши жисмоний тарбияни ташкил этишга қатор талаблар қўяди. Биринчидан, бола танаси энди жисмоний машқларга, уларни бажаришнинг тартибларини ўзлаштиришга, қабул қилишга мослашаётган бўлади. Боланинг умуртқа суяги қотмаган, елка ва кўкраги кичик, оёқларида барқарор туриши, қўлларини жисмоний машқларга мувофиқ ҳаракатлантириши суи

бўлади. Бола, антрометрик кўрсаткичларга мувофиқ, бўйи йилига ўртача 5см дан, вазни 2 килограммдан ўса боради. Иккинчидан, болалар ҳаракатчан, турли машқларни ёқтиришади, уларни такрорланадиган, бир хил хатти-ҳаракатлар қизиқтирмайди. Педагогик кузатувлар ва валеологик экспериментлар натижалари кўрсатадики, бу ёшдаги болаларга асосан 10-12 марта такрорланадиган, кейин бошқа машқларга ўтиш ёқади. Боланинг психофизиологик ҳолати жисмоний машқларни ўзгартириб, алмашлаб туришни тақозо этади [5;6]. Бола танаси суяклари, мушаклари, ҳатто ўпкаси, юраги ва қонтомирлари бир хил машқлар ёқмаслигидан бундай машқлар танани қочириб қўйиши мумкинлигидан бола миясига ҳабар бериб туради. Шунинг учун боғча ёшидаги болаларга уларнинг психофизиологик хусусиятларига мос келадиган, ранг-баранг ва бажарилиши осон жисмоний машқлар тавсия этилади. Энг муҳими бу машқлар нафақат боланинг соғ-саломатлигига, шунингдек маънавий-руҳий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам бериши зарур. Учунчидан, бола тана териси тез қизади, шу сабабли у жисмоний машқлардан тез толиқади. Агар жисмоний машқлар, ўйинлар психофизиологик хусусиятларга мувофиқ келмаса, жисмоний юк бола тана терисини тез қизитади, унда иситма ҳосил қилади. Шунинг учун Ибн Сино дейди: “Тўдақларга қаттиқ жисмоний ҳаракат қилдирма, чунки бу иш иситма чиқаради” [7:254]. Жисмоний машқлар тана териси учун мулоим бўлгани маъқул. Ибн Сино беҳуда маслаҳат бермаган: “Бола организмни мулоимлик билан силаш керак” [7:252]. Жисмоний машқлар бола танаси учун мулоим бўлса, унинг психофизиологик хусусиятларига мувофиқ келади. Буни замонавий педагогик ва психотиббий изланишлар ҳам тасдиқлайди [8,9]. Тўртинчидан, боғча болаларида жисмоний машқлар пайтида нафас олиш техникаси, усули ҳам шаклланмаган бўлади, одатий тарзда нафас олиш эса жисмоний машқлар пайтида ўзгариши лозим. Акс ҳолда ўпка, юрак, қон-томирлари жисмоний юк таъсирига бардош беролмайди. Болаларнинг нафас олиши катталарникидан тезроқ бўлади, жисмоний машқлар пайтида бу нафас олиш янада тезлашади. Ўпка, юрак қон-томирларининг жисмоний юкка мослашишига қараб, биз машқларнинг бола организмга, соғлиғига таъсири ҳақида маълум бир фикрга келамиз.

Нафас олишнинг тезлашиши нафас тизимининг жисмоний юкка мувофиқлашишига, юрак-қон томирлари фаолиятини ўзгартириш ва танани ташқи таъсирларга чиқиқтиришга ёрдам беради. Ҳаёт, турмуш, кишилараро муносабатлар ҳеч қачон силлиқ, раван кечган эмас, ижтимоий ҳаётда асаб бузарликлар, стресс ва депрессияларни келтириб чиқарувчи сабаблар етарлича топилади. Инсон организми уларга қарши турулиши, ташқи таъсирларга чидай олиши даркор. Валеологик машқлардан кутиладиган натижалардан бири инсон асаб тизимини соғлом, чидамли қилишдир. Бешинчидан, жисмоний тарбияни ташкил этишда экологик вазиятни ҳисобга олишга тўғри келади. Мазкур глобал муаммо инсоният ҳаётига, кишилар, халқлар саломатлигига катта хавф солмоқда. Ичимлик суви танқислиги, музликларнинг эриб сув тошқинларини келтириб чиқаётгани, об-ҳаводаги ўзгаришлар соғлиқни асраш ва мустаҳкамлашни долзарб муаммога айлантирган. 2019 йили рўй берган аномал ҳодиса-ёзнинг ўта иссиқ келиши, йилдан йилга ҳавонинг илиқ бўлиб бораётгани организмда адаптация кўникмасини шакллантиришни шарт қилиб қўяди. Боғча болаларида организмни иссиқ ва совуққа чиқиқтириш(чўмилиш, оёқ яланг юриш, югуриш, ҳў сочиқ билан баданни уқалаш, мушакларни шакллантирувчи машқлар қилиш) муҳим вазифа ҳисобланади. Бу болалар боғчаларида бассейн, оёқ

яланг юришга мослаштирилган йўлаклар, гиламлар бўлишини тақозо этади.

Минг афсуски, бизнинг болалар боғчаларимизда бундай имкониятларни яратиш ҳали анъанага айланмаган. Болаларни сув ҳавзалари бўйича, дала-даштлар қўйнига, ўрмонзорларга олиб чиқиш организмда адаптация кўникмасини оширади, аммо бизнинг мактабгача таълим тизимида бундай чиқиқтириш, экологик тарбия аҳамиятига ҳам эга машқларга эътибор берилмайди. Жисмоний тарбияни урбанизациялаш, механизациява компьютерлаштириш организмда адаптация кўникмасини сусайтиради. Тўғри, замонавий тарбияни уларсиз тасаввур этиш қийин, бироқ жисмоний тарбия таниқли педагог А.Дистервег (1790-1866) айтганидек, “табиийлик ва маданийлик принципларини уйғунлаштириш”ни [10;231] тақозо этади. Инсонда табиатга, ён-атрофга борлиққа мослашиб, муроасада яшаш инстинктивмавжуд, шунинг учун ундаги имманент хусусиятларнинг 95-97% табиатдан, қолган 3-5% маданиятдандир.

Демак, жисмоний тарбияни табиат қўйни билан боғлаш инсоннинг субстанционалмоҳиятидан келиб чиқади. Бироқ бу боғлаш болани қайтадан ёввойи табиат қўйнига қайтариш учун эмас, унда ижтимоий фазилатларни тарбиялаш учун зарур. “Биз, -деб ёзади Ж.Ж.Руссо “Эмиль, ёхуд тарбия ҳақида” асарига, -нимжон туғиламиз, шу боис бизга куч керак; биз барча нарсада маҳрум дунёга келамиз, шу боис бизга ёрдам даркор; биз онгдан маҳрум яратиламиз, шу боис бизга ақлу-идрок лозим. Туғилганимизда эга бўлмаган ва катта бўлгач уларсиз яшай олмайдиган нарсаларни бизга тарбия беради” [11:25]. Олтинчидан, боғча болаларида жисмоний машқларига қизиқиш уйғотиш улар морфофункционал хусусиятларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни талаб қилади. Масалан, 3-4 ёшлардаги болалар вазни 14-15 кг, бўйи 90-95 см, 4-5 ёшда вазни 18-19 кг, бўйи 105-108 см, 5-6 ёшда вазни 20-22 кг, бўйи 112-116 см, 6-7 ёшда оғирлиги 22-24кг, бўйи 120см атрофида бўлиши керак [12:46-48].

Демак, жисмоний машқлар ушбу антрометрик кўрсаткичлардан келиб чиқиб ташкил этилади. Тўғри, баъзан 3-4 ёшдаги бола 4-5 ёки 5-6 ёшдаги бола билан тенг тезликда югуриши, сакраши, ҳатто улардан ўзини мумкин. Бу ўринда ёш эмас жисмоний қувват, чакқонлик, валеологик омил, муҳим роль ўйнайди. Ўзимиз ўтказган кузатишлар кўрсатадики, 4-6 ёшдаги ўғил болалар ўта ҳаракатчан, уларда ён-атрофга, маконга, хатти-ҳаракатларга адекват муносабат билдириш етарли даражада шаклланган бўлади. Ҳатто улар ичида 6-7 ёшдаги болаларда ҳам учрайдиган тез қувиб етишлик, чопқирлик, бекинмачоқ ўйнашда айёрлик кузатилади. Уларнинг тенгқурларига етакчилик қилиш, ўз сўзини истагини ҳимоя қилиш, жисмоний машқлар пайтида, ким ўзда ғолиб чиқиш истаги борлиги кузатилади. Бундай болалар санитария-гигиена талабларига эмас, кўпроқ психоэмоционал ҳолати талабларига бўйсунини маъқулқўрадилар. Масалан, уларни қўлини ювиб столга ўтказиш, сўлақларини тозалаб юриш, “ким ўзди” машқларида ёнидагига ҳалакит бермасликка тегинчоқлик қилмасликка ўргатиш учун сабр-тоқат керак. Жисмоний машқлар, мусобақалар пайтида ўзини кўрсатишга тиришиш бўлғуси чемпионларга ҳос фазилатдир. Еттинчидан, болалар боғчасидаги жисмоний тарбия болаларда соғлом бўлишга доимо жисмоний машқлар билан шуғулланиб юришга қизиқишни шакллантириши даркор. Бу қизиқиш болада билим олиш, борлиқни англаш, ижтимоий ҳаётга фаол муносабатда бўлиш, жамиятдаги маънавий-ахлоқий қадриятларни эъзозлаш, ватанпарварлик ва меҳнат-севарлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилгани

билан кимматлидир. Жисмоний машқлардаги нафосатни, эстетик моҳиятни, гуманистик, альтруистик максадни ёшлар онгига сингдириш эса узлуксиз таълимни перманенттизимга айлантиришни тақозо этади. Мактабгача таълим эса ушбу перманент тизимнинг бошланғич босқичи ундаги жисмоний тарбияни ташкил этиш эса соғлом, баркамол авлодни вояга етказишнинг тамал тошидир.

Адабиётлар

1. Ҳалқ сўзи. 2019, 6 август. www.xs.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Таълим тўғрисида”. // Маърифат, 1997, 1-октябрь.
3. Бошланғич таълим давлат стандарти. // “Бошланғич таълим”, 1998, №6.
4. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбия дастури. Муаллиф-чиловчилар: К.Маҳкамжонов, Ф.Насриддинов, Л.Семёнова, М.Исмоилова, Ш.Мирзамахмудов. -Тошкент: ХТБ, РТМ, 1994.
5. Вильчковский Э.С.Физическая культура детей дошкольноговозраста. 2-изд. -Киев: 1999.
6. Доскин В.А. Растём здоровыми. -М.: 2002.
7. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё. -Тошкент: “Sharq”, 2015.
8. Баранов А.А., Кучма В.Р., Скоблина Н.А.Физическое развитие детей и подростков на рубеже тысячелетий. -М.: 2008.
9. Губа В.П., Морозов О.С., Парфененков В.В. Научно-практические и методические основы физического воспитания детей. -М.: 2008.
10. Дистерверг А. Избранные педагогические сочинения. -М.: 1956.
11. Руссо Ж.Ж. Педагогические сочинения. В 2-хт. Т.1.-М.: 1981.
12. Учинчи мингйилликнинг боласи. -Тошкент: 2002.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг ўзига хос имманент хусусиятлари боғча болалари морфофункционал ва психофизиологик хусусиятлари, жисмоний машқларни бажариш пайтида уларни ҳисобга олиш усуллари очиқ берилди. Боғча болаларида жисмоний машқларга қизиқиш уйғотишга оид педагогик тавсиялар, уларни қўллашга оид фикрлар билдирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются особенности и имманентные свойства физического воспитания в системе дошкольного образования, а также морфофункциональные и психофизиологические особенности воспитанников учреждений дошкольного образования. Предлагаются методические рекомендации по формированию интереса у дошкольников к физическим упражнениям.

SUMMARY

The article reveals the features and immanent properties of physical education in the system of preschool education, as well as the morphofunctional and psychophysiological features of pupils of pre-school educational institutions. Methodological recommendations on the formation of interests of preschool children to physical exercises are offered.

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

З.Д.Расулова - таянч докторант

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: ахборот - коммуникация технологиялари, дастурий восита, коммуникатив малака, касбий омилкорлик.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, программное обеспечение, коммуникативная квалификация, профессиональная продуктивность.

Key words: information and communication technologies, software, communicative qualification, professional productivity.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёни қайта ташкил этишга, талаба-ларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривож-лантиришга асосланган ахборот технологияларининг ўрни кундан кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда таълимни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамизда барча таълим жараёнларида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш бўйича жуда кўп кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу қаторда олий таълим Технология йўналишларида ҳам ахборот технологияларидан фойдаланиш, дарс жараёнларини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда десак муболаға бўлмайди.

Ахборотлаштириш жараёни исталган соҳани тубдан ўзгартириш имкониятига эга. Бундай шароитда таълим оловчи ҳар бир шахснинг баркамоллик қобилияти рўёбга чиқади. Чунки керакли ахборотни ўз вақтида олиши ва улардан тўғри ва оқилона фойдалана олиши инсонни ижтимоий жиҳатдан ривожланишига сабаб бўлади [1].

Технология йўналиши дарс жараёнларида ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларга қуйидаги малака талабларини қўяди.

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим оловчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим оловчиларнинг кўникмаларини ривожлантириш жараёни фаоллаштириш, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини мақсадли амалга ошириш;

- зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, тафаккурларини ўстириб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, педагогик жиҳатдан башоратлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- илғор тажрибалар асосида таълим оловчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

- талабалар онгида миллийликни акс эттириш, ахлокий сифатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, касбий омилкорлик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш;

- коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- таълим оловчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;